*Фазилат*

***Касбимиз тақазоси билан бир корхонада бўлганимизда мутасаддилар «Меҳр ва мурувват йили» дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапиришди. Шунда мурувват кўлами нақадар кенглиги ҳақида ўйладик. Ахир, бир оддий яхшиликдан улуғ савобгача бўлган эзгуликларнинг барча-барчаси мурувватнинг ўзига хос тарзда ифодаланиши-ку!***

# КАМ БЎЛМАНГ, ЯХШИЛАР!

Ҳаёт воқеликларига назар ташлаб, меҳр-мурувват тушунчасининг нақадар кенглигини англаш мумкин. Ҳукуматимизнинг тадбиркорлар, кам таъминланган оилалар ва бошқалар тўғрисида кўрсатаётган меҳрибонлиги ҳам, Амнистия тўғрисидаги Фармон ҳам энг катта мурувватдир. Самарқанд вилоят ҳокимлиги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси маълумотларига қараганда 2003 йилда йўлдан адашган, бекор юрган, жазони ўтаб қайтганлардан 1270 нафари ишга жойлаштирилган. Бундан ташқари, маҳаллий ҳокимликлар, прокуратура идоралари билан ҳамкорликда ўтказилган «Бўш иш ўринлари ярмаркалари»да 10549 киши доимий иш жойига эга бўлган. Шу орқали бу кишилар, уларнинг оиласи доимий даромад манбаига эга бўлиб, ижтимоий аҳволи, турмуши яхшиланган.

Битта яхшилик бошқа кўплаб эзгуликларга йўл очади. Мустақиллик шарофати ила иқтисодий ривожланишга эришаётган тадбиркорлар эндиликда анча-мунча савоб ишларни амалга оширишмоқда. Юртимиздаги кўплаб ижтимоий-маданий, спорт иншоотларининг бунёд этилишида уларнинг арзигулик ҳиссалари бор. Шунингдек, тадбиркорларнинг хайрия ишлари ҳам кўп. Масалан, Самарқанд туманидаги ишбилармон Шамсия Мавлонова бошқа эзгу ишлар қаторида Самарқанд шаҳридаги 28-мактаб ўқувчиларига 100.000 сўмлик ўқув анжомлари олиб берди. «Халқлар дўстлиги» маҳалласида иккита никоҳ тўйи ўтказилишига ҳисса қўшди. Қайнама қишлоғида яшовчи уйи ёнган оилага моддий ёрдам ажратди. Ҳаётда бундай мисоллар анчагина.

Кўнглида бошқаларга яхшилик қилиш нияти бор инсон эзгу амалларнинг катта-кичигини фарқлаб ўтирмайди. Самарқанд шаҳрига туташ бир қишлоқда Қулмат бобо деган бағрикенг инсон яшайди. Унинг саховатпешалиги ҳақида ҳамкасбимиз Уйғун Рўзиев шундай ҳикоя қилади: «Қулмат бобонинг ажойиб одати бор. Ҳар йили кўкламнинг илк куниёқ бир қозон сумалак пишириб келиб, кўп қаватли уйлар ёнида пайдо бўлади. Одамлар чолни кўриш баҳонасида деразаларини очишади. Шунда хонадонларга илк баҳор шабадаси киради. Болаларнинг умид билан узатган пиёлаларини сумалакка тўлдириб беради. У сумалакни сотмайди, биров пул берса олмайди. Наврўзгача нуроний бир неча бор сумалак олиб келади. Болалар унинг яна қачон келишини сўрашганида «Сумалак ҳақида, Наврўз ҳақида қачон янги шеър, қўшиқ ёдласанглар, ўшанда олиб келаман», – дейди ота уларни эркалаб». Қулмат бобо сумалак тарқатиши замиридаги эзгулик одамларни Наврўз таомидан баҳраманд қилиш билан чегараланмайди. Унинг ташрифи баҳонасида эшик-деразалар очилиб, қиш бўйи димиққан хоналарга тоза ҳаво киради. У кейинги гал келгунча болаларни янги миллий қўшиқлар, янги шеър ўрганишга даъват этади. Отахоннинг эзгу амали одамларга нафақат меҳр-мурувват, ҳиммат кўрсатиш, балки, уларни миллий маънавият руҳида тарбиялашнинг, халқ меросидан сабоқ беришнинг жуда зўр ва энг содда намунасидир.

Жомбойда яшовчи ёш бир оиланинг бошига мусибат тушди. Кичик фарзанди туғилгач, икки ҳафта ўтиб онаси ҳаётдан кўз юмди. Эр эндигина тетапоя бўлаётган қизи ва икки ҳафталик ўғли Жавоҳир билан қолди. Йигитнинг яқин қариндошлари йўқ эди. Гўдакни онасиз парваришлашни тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Бағрикенглик деган буюк хислати бор одамларимизнинг. Бир куни бу хонадонга қўшни қишлоқлик эр-хотин Ортиқ ва Сабоҳат кириб келишди ва гўдакка ўз фарзандлари қатори меҳр бера олажакларини айтишди. Шундан бери уч ойдан кўпроқ вақт ўтди. Меҳридарё Сабоҳатни бугун ҳамқишлоқлари дуо қилишмоқда.

Ҳа, яхшилик яхшиликка йўл очади.

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Инсонга наф келтириш - бахт*

***Наманган вилояти касаба уюшмалари Кенгаши биноси эшигидан киришингиз билан «Меҳнат кишиси ҳақида ғамхўрлик қилиш касаба уюшмаларининг бош мақсадидир» дея ёзиб қўйилган сўзларга кўзингиз тушади. Бинобарин, кенгаш ва тармоқ қўмиталарининг кундалик фаолияти билан танишар экансиз, бунинг амалдаги исботига гувоҳ бўласиз.***

# МАОШДАН ҚАРЗДОРЛИК УНДИРИЛДИ

– Касаба уюшмалари ишловчиларнинг яқин маслаҳатчиси, суянчиғи ва кўмакчисидир, – дейди шу мавзуда гап кетганда суҳбатдошимиз Кенгаш бўлим бошлиғи Жўрахон Воҳидов. – Мамлакатимизда энг оммавий жамоат ташкилоти сифатида обрў топган касаба уюшмалари меҳнат кишисини, унинг оила аъзоларини соғломлаштириш, иш ва турмуш шароити яратиб бериш борасида кўплаб ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, иш ҳақларининг вақтида тўланишини таъминлашда ушбу ташкилот ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Бу борада биринчи навбатда иш ҳақидан қарздорликни тугатиш ва унга йўл қўймаслик бўйича касаба уюшмаларининг Ҳаракат тартиби ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ қилинмоқда. Ходимларга иш ҳақини натура шаклида тўланиши тақиқланди. Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг тариф ва унга қўшимча қисмлари ўртасидаги мақбул нисбат таъминланган ҳолда қайта кўриб чиқилди ва жорий этилди. Бунда иш ҳақининг кафолатланган қисми, яъни тариф қисми оширилишига алоҳида эътибор берилди. Шунингдек, иш ҳақини ўз вақтида тўланиши аҳволи устидан жамоатчилик назоратини ташкил қилиш бўйича вилоят прокуратураси билан услубий тавсия ишлаб чиқилиб, жойларга жўнатилди. Ушбу тавсияда иш ҳақи кечиктирилганлиги учун раҳбар масъулияти ва жавобгарлигини ошириш масалаларига жиддий эътибор берилган. Бунинг оқибатида жойларда жамоа шартномаларининг таъсирчанлигини ошириш, ички меъёрий ҳужжатларнинг талаб даражасида тузилишини таъминлаш, ходимлар тариф сеткаларига нисбатан тармоқ коэффициентларини қўллаш масалаларини ижобий ҳал қилиш борасида сезиларли натижаларга эришилди.

Қарздорликни бартараф этиш учун касаба уюшма ташкилотлари иш берувчилар олдига 243 та расмий талабномалар қўйишди, натижада 1 миллиард 343 миллион 900 минг сўм иш ҳақлари ишловчилар фойдасига ундириб берилди. Бундан ташқари, касаба уюшма ташкилотлари маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига 37 марта мурожаатлар қилишди. Улар ёрдамида 321 миллион сўм муддати ўтган қарзларни ундиришга эришилди.

Кечиктирилган иш ҳақи тўловларини ундириш борасида маҳаллий ҳокимият ва прокуратура органларига, тегишли банк муассасалари ва иш берувчиларга расмий мурожаатлар, тақдимномалар киритиш, талаблар қўйиш, суд органларига даъво аризаларни киритиш амалиётда кенг қўлланиб келинмоқда. Ана шундай йўл билан «Поп тола», «Чуст тола» ва «Уйчи тола» корхоналаридан 70,4 миллион сўм муддати ўтган қарзлар ундириб олинди.

**О. ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## «БИНОКОР» ТАКЛИФ ЭТАДИ

Чироқчилик тадбиркор Ўрол Қўзиевнинг «Бинокор» хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган қурилиш ашёлари вилоятдаги энг нуфузли қурилиш ташкилотларининг ҳам эътиборини тортмоқда. Туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Фарҳод Элмуродовнинг айтишича, «Бинокор» тайёрлаётган блок, ғишт, бетон маҳсулотлари, эшик, ром ва бошқа жиҳозларга талаб катта.

«Бинокор» қурилиш-монтаж ишлари билан ҳам шуғулланади. Тумандаги қатор маъмурий бинолар мазкур корхона жамоаси томонидан қурилиб, таъмирдан чиқарилмоқда.

Тадбиркорнинг корхонасида замонавий техника, ҳатто 100 тоннагача юк кўтара оладиган кўчма крангача бор. Унда элликка яқин киши ишлайди.

## БОЛАЛАР КИЙИМЛАРИ

***Пахтакор туманидаги «Раъно» тикувчилик фирмаси ишни дастлаб болалар кийимлари тикишдан бошлаган эди. Шаҳардаги кураш саройидан тушган биринчи буюртма ўз вақтида, кўнгилдагидек бажарилгач, харидорлар сони кескин ошди.***

Тадбиркор Раъно Ёқубованинг етти нафар шогирди нозик дид билан тикаётган кийим-кечаклар ҳар қандай харидорни ўзига жалб қила олади. Яқиндан бошлаб цехда махсус иш кийимлари тикиш ҳам йўлга қўйилди.

Айни пайтда туманда 1 минг 168 кичик ва ўрта бизнес корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Иш билан банд аҳолининг 25,4 фоизи кичик ва ўрта бизнес корхоналарида меҳнат қилади. Тармоқда иш ўринлари сони ўтган йили минггтага кўпайди.

**Наманган вилояти давлат шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида бугунги кунда намунали ишлар амалга ошириляпти. Марказни малакали кадрлар билан таъминлаш борасида шифокорлар шартнома асосида Москва, Киев, Харьков, Одесса каби шаҳарларда тажриба алмашиб келмоқда. Бу эса ўз ижобий натижасини кўрсатаётир.**

**Қирқ беш нафар шифокор малакасини ошириб, айни кунда вилоят аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатмоқда. Шунингдек, мазкур марказда илмий тадқиқот ишлари ҳам кўнгилдагидек. Шу йилнинг ўзида бир докторлик, бир номзодлик диссертацияси муваффақиятли ҳимоя қилинди. Ҳозир бир нафар тиббиёт фанлари доктори, 19 нафар тиббиёт фанлари номзоди вилоят фахри ҳисобланади.**

**Марказ барча зарурий тиббий ускуналар билан таъминланган.**

*Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?*

# АЙЛАНМА МАБЛАҒ КЎПАЙМОҚДА

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда банк фаолияти алоҳида аҳамият касб этиши ҳеч кимга сир эмас. Чунки банклар бундай тузилмаларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, мавжуд муаммоларни бартараф этишга кўмаклашмоқда.

Хусусан, бизнинг Янгийўл туманидаги бўлимимиз якка тартибдаги тадбиркорлар, хусусий фирма ва корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларига талаб даражасида хизмат кўрсатиш ва уларнинг энг яқин ҳамкорига айланиш учун барча имкониятни ишга солмоқда. Айни пайтда банк турли соҳаларда фаолият юритаётган 550 дан ортиқ мижозга хизмат қилаётир.

Биргина ўтган йили банкимиз томонидан 130 миллион сўмдан ортиқ миқдорда кредит ажратилган бўлса, унинг 65 миллион сўми банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан, қолганлари бюджетдан ташқари муассасалар орқали берилди.

Корхоналар томонидан айланма маблағларни кўпайтириш, кичик ускуналар, хомашё, ёнилғи-мойлаш материаллари, уруғлик, ўғит, озиқ-овқат ва бошқа зарур маҳсулотларни харид қилиш мақсадида берилган бу қарзлар тадбиркорлик тузилмалари фаолиятини кенгайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш ва янги хизмат турларини ташкил этиш учун имконият яратди. Масалан, хусусий тадбиркор Гулнора Пўлатова халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни оширди. Банк фаолияти такомиллашиб бораётган сайин мижозларимиз сони ҳам кўпаймоқда. Шу боис ходимларимиз хизмат маданиятини ошириш мижозлар билан ишлашда унинг вақтини тежашга ҳаракат қилишмоқда. Уларга янада яхши хизмат қилиш мақсадида жойларда мини банклар ташкил этилмоқда. Яқинда «Озод» ширкат хўжалиги ҳудудида ташкил этилган мини банк фикримизнинг яққол далилидир.

Банкимиз капиталининг мунтазам равишда ошиб бораётганини ҳам мамнуният билан таъкидлаш ўринлидир. Якунланган йилда ушбу кўрсаткичнинг бир неча баробар ўсгани бўлим фаолиятини янада кенгайтириш имконини берди.

**Руслан АСҚАРОВ,**
**АТ «Пахта банк»нинг Гулбаҳор бўлими бошлиғи**

## МАКТАБГА тўрт миллион сўмлик спорт анжомлари

***"Учқўрғонёғ" очиқ акциядорлик жамияти "Меҳр ва мурувват йили" дастури доирасида Учқўрғон шаҳридаги 42-ўрта умумтаълим мактаби ўқувчилари учун қиймати тўрт миллион сўм ҳажмидаги спорт анжомлари ва жиҳозлари олиб берди.***

Шунингдек, мазкур мактабга битта янги компютер ва 1 миллион 100 минг сўмлик юмшоқ мебел, стол-стул ҳамда бошқа жиҳозлар ҳам туҳфа этилди. Ўқув даргоҳи биноларини жорий таъмирлаш учун 1 миллион сўм, шаҳардаги Акмал Икромов кўчасида жойлашган "Келажак авлод" номли боғча биносини тўлиқ таъмирлаш учун 1 миллион 200 минг сўм маблағ ажратилиб, бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди.

- Оталиғимиздаги ушбу мактаб ва мактабгача тарбия муассасасини электр энергияси ва иссиқлик энергияси билан таъминлашни ҳам корхонамиз ҳисобига ўтказдик, - деди жамият раиси Тоҳиржон Шамсиддинов. – Бундан ташқари, тумандаги махсус мактаб-интернат тарбияланувчиларига телевизорлар, гиламлар ва бошқа зарурий жиҳозлар ҳадя этдик. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 7 миллион, ўзимизнинг "Навбаҳор" футбол жамоасига мадад сифатида 5 миллион сўм маблағ ўтказдик.

Дастур доирасидаги бу хайрли ишлар йилнинг биринчи чорагида амалга оширилди. Келгусида тумандаги Ибн Сино номли 9-ўрта умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш ва жиҳозлаш учун 5 миллион, 27-ўрта мактаб учун эса 2 миллион, "Фарғона" маҳалласида спорт мажмуаси қурилишида 15 миллион сўмлик юмушларни бажариш режалаштирилмоқда.

**"Туркистон-пресс"**



Суратларда: Наманган вилояти давлат шошилинч тиббий ёрдам илмий марказидан лавҳалар.
Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар

*Касаба уюшмалари бозор шароитида*

***Бир йўла 3.2 миллион киловатт соат энергия берадиган Талимаржон иссиқлик электр станцияси Марказий Осиёдаги энг йирик энергетика корхоналаридан ҳисобланади. Дастлабки блоки ишга туширилиши тобора яқинлашиб келаётган йирик корхонада 1300 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи, инженер-техник ходим меҳнат қилмоқда.***

# КАТТА КОРХОНАДАГИ СОҒЛОМ МУҲИТ

## иш унуми ва моддий манфаатдорликка хизмат қилмоқда

Станциянинг электр, кимё, транспорт, марказий таъмирлаш, қозон, трубина, гидро цехлари, мазут сақлаш омборхонаси, жиҳозлаш-бутлаш, уй-жой, коммунал-хўжалик, режа-иқтисод, бухгалтерия, маъмурий бошқарув бўлимларида 14 та бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолият кўрсатаяпти. Касабақўм аъзоларининг 305 нафарини ёшлар, 229 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Бу ерда асосий эътибор меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини муҳофазалашга қаратилган.

– Касаба уюшмасига келган ҳар бир хат пухта ўрганилади, – дейди биз билан суҳбатда касабақўм раиси А.Ашуров. – Эътиборлиси шундаки, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган мурожаатларни кўриб чиқишга катта масъулият билан ёндашилади. Касабақўмга тушган 88 та аризанинг кўпчилигида ишчилар моддий ёрдам ва уй-жой, соғлиқларини тиклаш учун йўлланма сўраб мурожаат қилишган. Фуқароларнинг ҳуқуқларига дахлдор бўлган ҳар бир талабнома алоҳида ҳисобга олинган.

Бир гуруҳ ишчилар сут-қатиқ маҳсулотлари вақтида берилмаётганлигини маълум қилишган. Шикоят қаноатлантирилди ва парҳез маҳсулотлар муддатида тарқатиладиган бўлди.

Ишчи Ш.Аллашева ойлик маоши 35 фоизга нотўғри камайтирилганлиги тўғрисида ёзган эди. Ариза ўрганилиб, қаноатлантирилди. Касабақўм аралашуви билан Л.Тоғаева соғлиғи ёмонлашганлиги учун енгил ишга ўтказилди. З.Эргашева ва О.Худойқуловаларни цех бошлиқлари билан келиб чиққан муаммолари ҳал этилди.

Корхона маблағлари ҳисобидан 81 ходим ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда касб-ҳунар коллежларида, 8 таси олийгоҳларда таълим олаяпти. Қисқа курсларда ўқитилган мутахассисларнинг малакасини оширишга қарийб 2 миллион сўм маблағ ажратилди.

Меҳнат муҳофазаси қонунлар ва белгиланган меъёрларга мувофиқ амалга оширилаяпти. Хусусан, Ш.Алиқулов раҳбарлик қилаётган меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияси корхона цехлари ва ишлаб чиқариш бўлимларидаги шарт-шароитларни қатъий назоратга олган. Техника хавфсизлиги қоидаларига жавоб бермайдиган 3 та иш ўрнидаги камчиликларни бартараф қилиш бўйича маъмуриятга тақдимнома киритилди.

Ишчилар тиббий кўрикдан ўтказилди. Хотин-қизлар гигиена хонаси ташкил қилинди. Ходимларга сут-қатиқ маҳсулотлари тарқатиш учун 6 миллион 113 минг сўм, махсус кийим-кечак ва ускуналар билан таъминлашга 19 миллион 536 минг сўм маблағ сарфланди.

Ёнғин хавфсизлигининг олдини олишга жиддий эътибор берилаяпти. Тез ёнувчан ускуналар ва иш жойлари ёнғинга қарши воситалар билан жиҳозланиб, бу муҳим тадбирга 87 миллион 827 минг сўм маблағ ажратилди.

Касабақўм Вазирлар Маҳкамасининг қарори талабларидан келиб чиқиб, иш ҳақи ва ойлик маошларни вақтида тарқатилишига кўмаклашишни сўраб юқори ташкилотларга 8 марта талабномалар киритди ва масалани ижобий ҳал этишга эришди.

«Меҳр ва мурувват йили» дастури бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган. Т.Ельшина, Ж.Қаршиева, М.Бўриева, Ҳ.Абдусаматова, Н.Смехнова каби 15 та кам таъминланган оилалар, О.Мусурмонова, Ш.Солиев, С.Сайрамова, Л.Хан сингари 33 нафар ишламаётган нафақахўрлар, М.Мўминова, А.Эгамов каби ногиронларга доимий моддий ёрдам кўрсатиляпти.

Корхонада маданий-маърифий ишлар кучайтирилаяпти. 500 ўринли маданият саройи, 2 та кутубхона меҳнаткашлар хизматида. Д.Ражабова бошчилик қилаётган хотин-қизлар кенгаши эса аёлларга яратиб берилган шароитлар, белгиланган имтиёзлар, оилавий аҳволи, иқтисодий ва ижтимоий муҳофазаси билан машғул.

Икки томонлама тузилган жамоа шартномасининг бажарилишини иш берувчи томонидан Н.Саломов, касаба уюшма қўмитасидан Ф.Суюнов раҳбарлик қилаётган меҳнат консультацияси доимий комиссияси қатъий назоратга олган.

Хуллас, корхонада вужудга келган соғлом муҳит иш унуми ва моддий манфаатдорликни яхшилашга хизмат қилмоқда.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Контрабанда йўли билан юртимизга келтирилаётган маҳсулотлар йўлига қатъий тўсиқ қўяйлик*

# НОИНСОФЛИК

***Баъзи одамларимизнинг ўзига хос одати бор: қўлида анча-мунча пули бўлса-да, бозор ва дўкондан иложи борича арзонроқ буюм ёки маҳсулот сотиб олиш пайида бўлади. Аммо тоза мол арзонга сотилмаслигини унутган бу каби истеъмолчилар харид қилган буюми бироз вақт ўтиб, сифатсиз эканлиги кўриниб қолгач, қанчалик асаблари таранглашишини тасаввур қилиш қийин эмас. «Пул аччиғи жон аччиғи» ахир.***

Хўш, истеъмолчи баъзида неға чув тушмоқда? Уларнинг иқтисодий макрҳийлаларнинг қурбони бўлиб қолаётганига сабаб нима? Аввало таъкидлаш жоиз баъзи «сохта тадбиркорларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари сабаб контрабанда йўли билан юртимиз бозорларига сифатсиз маҳсулотлар кириб келмоқда. Ташвишли томони шундаки, бундай товарлар божхона масканларини четлаб ўтиб, бож ва солиқ тўламасдан, энг ёмони - таркиби ва сифати текширилмаган ҳолда олиб кирилаётир. Пировардида бунинг жабрини фақат харидорлар тортмоқда.

Эътибор беринг, биргина Ҳамза туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни олиб киритилишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида сўнгги бир ярим йил ичида ўтказилган тадбирлар натижасида 150 га яқин ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланди. Миллион-миллион сўмлик товар моддий бойликлари давлат фойдасига мусодара қилинди.

Жумладан, «Панола» хусусий фирмаси раҳбари Д.Мартинов ва хусусий тадбиркор М.Алексеев савдо қоидасини бузган ҳолда тегишли рухсатномасиз чет элда ишлаб чиқарилган катта миқдордаги «ORBIT» сақичларини сотаётганда ушланди. Ёки фуқаро М.Абуковнинг ҳеч қандай ҳужжатсиз турли хилдаги дори-дармон маҳсулотларини ўз ҳовлисида сақлаб, сотувга чиқараётганига нима дейсиз? Энг ачинарлиси, бу дори-дармонларнинг на мувофиқлик сертификати бор, на божхона декларацияси. Инсофсизлик ҳам эви билан-да.

Шу ўринда янаям қизиқ бир «манзара»га эътиборни қаратсак. Яқинда фуқаро Б.Исмоилов тегишли ҳужжатсиз чет элда ишлаб чиқарилган концелярия қоғозларини сотаётган вақтида қўлга олинди. Ундан жами 2554,0 минг сўмлик «DATA COPY» қоғозлари бирор бир ҳужжати бўлмаганлиги сабабли олиб қўйилди. Аниқланишича, маълум вақт нафс қулига айланган корчалоннинг мушугини ҳеч ким «пишт» дея олмаган. Аммо вақт ҳамма нарсани жой-жойига қўйди.

Мустақил Ўзбекистонимизда белгиланган қонун-қоидаларга риоя қилган ҳолда четдан товарлар олиб келиш учун йўл ҳамиша очиқ. Лекин юқорида номлари зикр этилган кимсалар каби нопок йўл тутганлар билан асло муроса қилиб бўлмайди.

Шу боис мамлакатимизда ички бозорни, миллий валютани ҳимоя қилиш, савдо даражасини ошириш, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича режали ва кенг қамровли ишлар изчил амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз, халқимиз сизу биздан, биринчи навбатда тадбиркорлардан аввало ўзларига, кейин жамият ва давлатга катта фойда олиб келадиган амалий ишларни кутмоқда.

**Нуриддин ВАПАЕВ,**
**Хуршид БОБОЖОНОВ,**
**Тошкент шаҳар Ҳамза туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бўлими ходимлари**

*Бир ҳовуч гавҳар*

# НАВОИЙ ҲИКМАТЛАРИ

Тарки жамъ қилки, сахо ул эмиш,
Баъзида сарф этки, ато ул эмиш,
Бергали олмоқ ишидин бўл йироқ,
Бермоқ учун олмоғанинг яхшироқ.
* * *
Они дағи дема сахийким, киши.
То тиламас бермак эмасдур иши.
* * *
Кимки фалак сори отар тошини,
Тош ила озурда қилур бошини.
Сувга сафол ичра ҳаловат дурур,
Кўзгуга кул била тароват дурур.
Шамъки ўз ёғи била қоврулур,
Чарх анга фонус киби эврилур.
* * *
Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.
Икки жаҳонингға тиларсен фазо -
Ҳосил эт ушбу икисидин ризо
Тун-кунунгни айлагали нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.
Кимки, улуғроқ анга хизмат керак,
Улки, кичикроқ анга шафқат керак.
* * *
Гул кўрунур, ёнида юз хори бор,
Бор эса бир айш, минг озори бор.
* * *
Кимки иши бўлди қаноат фани,
Билки ани қилди қаноат ғани.
* * *
Мулк ила ўзни демагил аржуманд,
Мулки қаноат била бўл сарбаланд.
* * *
Ҳар киши оламда эрур ёрсиз,
Бир садафедур дури шаҳворсиз.
* * *
Олтун исирғаки қулоғ оғритур,
Зарҳал ўтукдурки, аёқ оғритур.
* * *
Ташнаки ул сув била истар фараҳ,
Қайда кирар кўнглига олтун қадаҳ.

***Республика таълим марказида «Абдулла Қодирий ва ўзбек адабиёти» мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Адиб таваллудининг 110 йиллигига бағишланган бу тадбирда адабиётшунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар, ўқитувчилар, жамоатчилик вакиллари қатнашди.***

## АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

Анжуманда йигирманчи аср ўзбек адабиётининг улкан намояндаси бўлган беназир адиб истиқлол туфайли ўзининг ҳақиқий қадр-қимматини топгани таъкидланди. Унинг асарлари миллат тақдири, бирлиги, мустақиллиги, шахс эрки, ижтимоий адолат ғоялари билан йўғрилган. Адибнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» каби романлари, «Обид кетмон», «Тошпўлат тажанг нима дейдир?» каби қисса ва ҳикояларида халқимизнинг муайян тарихий вазиятдаги турмуши, урф-одатлари, руҳий-маънавий олами ўз аксини топган.

**(ЎзА)**





# МУЗЕЙ ТАРИХДАН СЎЗЛАР

Олтиариқ тумани тарихий музейи 1996 йили ташкил этилган. У Фарғона вилоятининг ўлкашунослик музейи филиалидир. Унда 5000 дан ортиқ экспонат мавжуд.

Музейда туман тарихи билан боғлиқ турли-туман кўргазмалар билан биргаликда «Киткон тепа» ва «Зураймома» тарихий обидаларидан топилган топилмалар ҳам сақланмоқда.

**Суратларда: (чапдан) музей ходими Малика Комилова зиёратчилар – Қиммат Одилова ва Дилафрўз Нуриддинова билан; Олтиариқ тумани тарихий музейида.**

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар**

***Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Республикамизнинг барча ҳудудларида, хусусан, энг чекка қишлоқларда ҳам барча қулайликларга эга шифохоналар қурилиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Туман ва шаҳар шифохоналари, поликлиника ҳамда қишлоқ врачлик пунктларида юксак савиядаги тиббий хизматни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратиляпти.***

*Ибрат*

# РЕПРОДУКТИВ СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАРКАЗИ

## оналар ва болалар хизматида

Ўтган йилнинг 6 декабр куни Оҳангарон туманидаги Қорахитой қишлоғи аҳли ажойиб туҳфа олишди. Бу ерда замонавий бунёд этилган репродуктив соғломлаштириш маркази фойдаланишга топширилди. Уни барпо этишда «Оҳангарон» ширкат хўжалиги ҳамда туман шифохонаси ташаббускорлик кўрсатди. Қурилиш-таъмирлаш ишлари ширкат хўжалиги ҳомийлигида амалга оширилди. «Каунтурпарт корцуримум» халқаро ташкилотининг инвестицияси ҳисобидан эса катта миқдордаги тиббий-физиотерапевтик аппаратлар олинди. Туман шифохонаси марказни мазкур тиббий ускуналардан самарали фойдалана оладиган малакали мутахассис ходимлар билан таъминлади.

— Марказ фаолиятидан кўзда тутилган асосий мақсад, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом оналар ва болаларни тарбиялашдир, — дейди туман шифохонаси бош шифокори Аъзам Мирсидиқов. — Зеро, эл соғлиғи, айниқса оналар ва болалар саломатлиги энг катта бойликдир.

— Бу ердаги шарт-шароитлар, тиббий хизмат даражаси чиндан ҳам ҳавас қилса арзигулик, — дея суҳбатга қўшилади нафақадаги ҳамшира Собида Қудратова. — Шунинг учун репродуктив марказ машғулотларида қатнашишни истовчилар сони тобора ортиб бормоқда.

Айни вақтда соғломлаштириш марказида физиотерапевт, акушер-гинеколог, массажчи, терапевт, жисмоний тарбия йўриқчиси каби тажрибали тиббиёт ходимлари фаолият олиб боряпти. Бир кунда 50 та қатновға эга соғломлаштириш марказида фитобар, жисмоний тарбия ва массаж хоналари, физиотерапевтик кабинетлар ишлаб турибди. Шунингдек, сауна, бассейнлар оналар ва болалар хизматида.

Умуман олганда, туманда ҳар томонлама соғлом авлодни камол топтириш мақсадида кўплаб таҳсинга лойиқ ишлар амалга ошириляпти. Махсус гуруҳлар оилаларда, маҳаллалар ҳамда таълим муассасаларида бўлиб, кенг кўламдаги тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришмоқда. Бунинг самараси ўларок, ўтган йили ўсмир қизлар ўртасида «Бўлажак оила маликаси» деб номланган кўрик-танлов ўтказилди. Репродуктив соғломлаштириш марказида бўлиб ўтган мазкур тадбир кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Туман шифохонаси туғруқхона бўлими бултур туман ҳокимлиги ва ҳомий ташкилотлар, сахий тадбиркорлар кўмагида мукаммал таъмирдан чиқарилиб, барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Ҳозирги вақтда бўлимда Муҳайё Бойаҳмедова, Саодат Ҳасанова, Палина Пак, Зубайда Меҳмонова, Қундуз Маматқулова сингари кўп йиллик иш тажрибасига эга шифокорлар иш юритишмоқда. Шунингдек, малакали мутахассислар иштирокида кўчма гуруҳлар ташкил этилмоқда.

**Камол ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» мухбири**

## МУЛЬТИМЕДИЯЛИ ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Республикамизда электрон ўқув қўлланмаларини яратиш йўлида олиб борилаётган изланишлар ҳам самарали бўлмоқда. Мультимедияли электрон дарсликларнинг дастлабки намунаси ҳам юзага келди.

«Соғлом турмуш асослари» деб номланган бу янги нашр Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти лабораториясида босмага тайёрланди.

Илмий муассасанинг бир гуруҳ олимлари жисмоний тарбия ва спортга оид қўлланмалар устида ҳам тадқиқот олиб боришмоқда. «Ўқувчиларнинг жисмоний тарбия гигиенаси» деган қўлланма ҳам босма юзини кўрди.

«Инсон ва ҳаво» деган услубий тавсиянома эндиликда республикамиз таълим муассасаларида муҳим йўриқнома бўлиб хизмат қилаётир.

## РАНГ-БАРАНГ ЭКСПОНАТЛАР

Ўзбекистон Давлат амалий санъат музейида дунгон халқ маданияти тарихига оид кўплаб экспонатлар сақланмоқда. Уларнинг аксарияти Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларида олиб борилган илмий экспедициялар жараёнида қўлга киритилган.

Ана шу кўҳна маданий мерос билан томошабинларни яқиндан таништириш тадбирлари кўрилмоқда. Тошкентдаги дунгон маданият маркази ташаббуси билан амалга оширилаётган бу саъй-ҳаракат жойларда қизиқиш уйғотмоқда.

Ўзбекистон Давлат амалий санъат музейида очилган янги кўргазмадан 200га яқин экспонат ўрин олди. Улар орасида «Дахэй», «Хэй», «Кауза» деб номланган дунгон миллий кийимлари намуналари бор. Уй-рўзғор буюмлари ишланиши билан ҳам ажралиб туради.

Миллий чолғу асбобларидан бир неча тури ҳам томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

## ҲАМ ҚИЗИҚАРЛИ, ҲАМ ФОЙДАЛИ

Халқаро тоифадаги таълим тренерлари томонидан уюштирилаётган семинар машғулотлари жойларда қизиқиш уйғотмоқда. «Мактабни самарали бошқариш усуллари» деган мавзудаги семинар ҳам жуда мазмунли ўтди.

Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказий институти ҳамда «Альфа ва Омега» ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил қилинган бу машғулотда республикамиз мактаб муаммоларини ижобий ҳал этиш усуллари, XXI асрда ўқитувчилар малакаларини ошириш, замонавий таълимни ривожлантириш модели каби масалалар кўриб чиқилди.

Ушбу тадбир чоғида институтнинг бир гуруҳ тингловчилари XXI аср мактаби тўғрисидаги ўз лойиҳаларини ҳимоя қилишди.

**А.АЛИЕВ**

*Бу ажиб дунё*

***Йилдан йилга фермер Суюн амакининг қорамоллар туёқ сони кўпайгандан кўпайиб борарди. Тунов куни ферма учун бозордан яна ўнтача соғин сигир сотиб олинди. Моллар куни бўйи кенг ва серўт яйловларда боқилгач, оғилхонада омухта ем билан парваришланади. Қорамоллар орасидаги тарғил говмуш подага ҳадеганда кўникавермади. У тинмай мўърар, бир жойда турмас, оғилхонадаги олти ойлик бузоғига талпингани талпинган эди. Бу ҳол молбоқарларни ҳам безорижон қилиб юборди.***

# ҚЎМСАШ

Кунларнинг бирида тарғил говмуш пайт топиб подадан эрта қайтди. Аксига олиб оғилхона эрганаги (эшиги) яхши боғланмаган экан, очилиб бузоқ ҳам чиқиб кетди. Говмуш ҳам, бузоқ ҳам соғувчиларнинг кўз олдида шаталоқ отганича қочиб қолишди.

Молбоқар тезликда подани ёрдамчисига қолдириб, отда говмуш ва бузоқ ортидан боришга шошилди, лекин сал ўтмай уларни кўздан қочирди. Кун ботиб қоронғи тушгунча кўп ерларни кезди, одамлардан сўраб-суриштирди, ахтарди. Жониворлардан дарак бўлавермади. Елиб-югурганлари зое кетди.

Ўша воқеа содир бўлган кезлари бир куни тонг олдидан икки яшар ола новвос арқонини судраганича ҳовлимизга келиб қолди. Биз ҳаммамиз ҳайрон эдик. Ахир, уни ўтган ҳафтада тоғамнинг тўйига қўшган эдик-да. Ўртада бир неча қишлоқ, тор ва эгри-бугри кўчалар, катта анҳор ва кўприклардан ўтишга тўғри келади. Бунинг устига йўлни икки изли темир йўл ҳам кесиб ўтади. Шу пайт ола новвосни шу йўл орқали тоғамникига етаклаб борганимиз эсимга тушди. Мол жонивор бир маротаба юриб ўтган йўлларини қандай эслаб қолганига ҳеч ақлим ишонмасди.

Биз фурсатни бой бермай дарҳол Суюн амакининг ўғли Тоҳир билан етти-саккиз чақирим йўлни пиёда босиб Найман қишлоғига жўнадик. Сув кечиб, баъзан чакалакзорлар оралаб зўрға манзилга етиб келганимизда қуёш осмонга тик кўтарилган эди. Тоғамнинг ҳовлиси атрофида ўн чоғли эркак киши ва хотин-халажлар тўпланишган, улар алланималар тўғрисида гаплашишарди. Салом-аликдан сўнг янгам:

- Болага ишонмаслик керак экан, - деди аянчли аҳволда. - Новвоснинг арқони қозиқдан ечилиб, очиқ қолган дарвозадан чиқиб кетибди.

У аччиқ устида тинмасдан жаврар эди.

- Тоғангизнинг бормаган, изламаган жойи қолмади. Давлат ишидаги одам бўлса...

Мен энди оғиз жуфтлаган ҳам эдим, янгам гапимни бўлди.

- Индинга мол бозорда олиб чиқиб сотиб, тўйга тушган пуллар билан қўшиб соғин сигир олмоқчи эдик.

Унинг гаплари ҳаливери тугамайдиган кўринади. Бу ерга йиғилганлар эса уни жимгина ачиниш билан кузатишарди.

- Суюнчини чўзаверинг, янга! - дедим мен ниҳоят. - Новвосингиз ҳозир бизникида.

Ҳамма ҳайрон, бу ерда тўпланганлар менга ишонқирамай қарашарди.

Янгам ҳушёр тортди, унинг юзлари ёришиб кетган эди. Ташвиш чулғаган юз-кўзларида қувонч пайдо бўлди.

- Шуни аввалроқ айтмайсизми, ахир? - деди янгам хурсандчилигини яширолмай.

Шу пайт бу ерда йиғилганлардан бир мўйсафид киши мол бозорига сотган сигирининг қайтиб келганини гапириб қолди. Сўнг бизларни ҳовлисига бошлаб борди. Тоҳир оғилхонани кўздан кечиргач, фермада йўқолган молларни дарҳол таниди. Ҳа, ўша шохлари эгик тарғил говмуш, ёнида эса бузоқчаси ирғишлаб сакраб юрарди.

Ола новвос ҳам, тарғил говмуш ва бузоқ ҳам эгаларига қайтарилди. Қизиқ, гоҳо мол жониворлар ўзлари ўсиб-улғайиб, вояга етган макони ва яйловини қўмсаб қолар экан.

**Абдулла САИДОВ**

*Волейбол*

## ОЛМАЛИҚЛИКЛАР - ЧЕМПИОН!

***Эркаклар ўртасида волейбол бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида барқарор ўйин кўрсатган «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» волейболчилари олтин медал тақдирини ҳал қилган учрашувда асосий рақиблари - «УЗИ-Сам-Телеком» жамоасини 3:0 ҳисобида енгиб, мамлакат чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлишди. Иккинчи ўрин «УЗИ-Сам-Телеком» йигитларига насиб қилди.***

***Наманганнинг «Парвоз» жамоаси ўз фаолиятидаги биринчи бронза медалга эришди.***



Яккабоғ туманидаги халқ таълими бўлими муассасаларида спортнинг милий кураш турини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзида мардлик, матонат, олижанобликни жамлаган ушбу миллий спорт тури қизлар ўртасида ҳам тобора оммалашиб бормоқда. Бунда мактабларда ташкил этилган кўплаб кураш тўгараклари катта аҳамият касб этмоқда.

**Суратда: қизлар кураш мусобақасида**

**Шавкат СУЛТОН олган сурат**

*Футбол*

## МУҲИМ БАҲСЛАР ОЛДИНДА

***Жорий йилнинг 26 май куни Корея Халқ Демократик Республикасининг (КХДР) Сунгжу шаҳрида аёллар ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати бошланади. 6 июнга қадар давом этадиган ушбу мусобақада қитъамизнинг ўн олти терма жамоаси тўрт гуруҳга бўлиниб куч синашади.***

Қитъа чемпионатида Мирон Ким бош мураббийлик қилаётган футболчиларимиз «D» гуруҳида Непал, Таиланд ва мезбонлар терма жамоаларига қарши майдонга тушади.

Футболчи қизларимизнинг мусобақада муваффақиятли қатнашишини таъминлаш учун 20-30 апрел кунлари Андижонда ўн кунлик ўқув-машғулот йиғини ўтказилиши режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, 10-15 май кунлари Тошкент шаҳрида аёллар ўртасида футбол бўйича Ўзбекистон VIII чемпионатининг биринчи тур учрашувлари ташкил этилади. Осиё чемпионати олдидан сўнгги ўқув-машғулот йиғини ҳам пойтахтда ўтказилади.

# КИЙИМ СИЗГА ЯРАШСИН

«Афанди бир куни тўйга борган эди, усти-боши эски бўлганлиги учун унга ҳеч ким эътибор бермади. У тезда тўйхонадан чиқиб, янги кийимларини кийиб, яна қайтиб келди. Афандини иззат-икром билан тўрга ўтқаздилар. Олдига турли-туман нознеъматлар келтириб қўйдилар. Бу аҳволни кўрган Афанди устидаги тўнга қараб:

– Е, тўним, е!» – дебди.

Ажабланган одамлар бунинг сабабини сўраганларида у:

– Модомики, бутун ҳурмат, эҳтиром янги тўнга экан, таомни ҳам у есин-да, – деб жавоб берибди».

Тан олиб айтиш керакки, шу кунгача бу латифадан одамларга уларнинг кийимига қараб муомала қилмаслик керак, деган хулоса келиб чиқади, деб юргувчи эдим. Зеро, биз мана шундай руҳда – фақирлигимиз, оч ва юпунлигимиз, ночорлигимиз билан фахрланиш руҳида тарбияланиб келдик. Аммо кейинги ўзгаришлар даврида юқоридаги фикрларим тўғри эканлигига шубҳа қила бошладим. Чунки замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, деганларидек одамларнинг тинимсиз равишда ўзига ярашган, чиройли ва бежирим кийим кийишга интилишлари бежиз бўлмаса керак, ахир! Эътибор берган бўлсангиз, хушбичим, чиройли кийинган кишиларни кўрганингизда кўзингиз қувониб, дилингиз яйрайди. Айниқса, хонадонга янги тушган келин келинчаклик либослари билан бирга файз-тароват ҳам олиб киради. Зеро, одамлар фақат ўзлари учун эмас, ўзгалар – уни кўрувчилар учун ҳам кийинадилар. Чунки, кийган кийимига қараб кийим эгаларининг фаҳм-фаросатига, ижтимоий мавқеига ҳам баҳо бериш мумкин. Ривоят:

«Одамлар гузардаги ямоқчидан:

– Қандай қилиб сиз ҳамма нарсадан хабардорсиз, ҳаттоки кечаги тушган келиннинг ҳам хулқ-атворидан воқифсиз? – деб сўрашибди.

Шунда ямоқчи:

– Мени ҳамма нарсадан ўзларинг хабардор қиласизлар. Юриш-туришларингиз, муомала ва ҳаттоки, кийим-кечакларингиз сизнинг кимлигингизни айтиб туради, – деб жавоб берибди...».

Шунинг учун ҳам доно халқимиз «Уйга палос, одамга либос ярашур» – дейди ва бу билан ҳар ким ўзига ярашадиган кийим-кечак кийиши, озода, покиза кийиниб юриши, одамлар назарида ўзини фақир кўрсатмасликка ҳаракат қилиши лозим, деган ғояни илгари суради. Афсуски, биз ҳаётда уларга амал қилгимиз келмайди. Натижада кўпчилик, айниқса, аёллар кўчага чиқаётганларида уст-бошларига, пардоз-андозларига эътибор берганлари, ҳатто керагидан ортиқча зеб берганлари ҳолда, уйда – энг яқин кишилари олдида кийимларига бепарво бўладилар. Шу ўринда Кибриё опа Қаҳҳорованинг қуйидаги сўзлари ёдимизга тушади: «...биз аёллар кўчага чиқадиган ё меҳмонга борадиган бўлсак, кийинишни, пардоз-андозни жойига қўямиз-у, эримиз олдида чўрига ўхшаб юрамиз... Хонаси келганда аёлларимизнинг кийинишлари ва пардоз-андозлари борасида айрим мулоҳазаларимни айтиб ўтсам фойдадан холи бўлмас. Ҳусну латофатда ҳамманинг суқи кирадиган бир дугонам бор эди. Бир куни уйига борсам, эгнида исқирт халат, бетига бир балони чаплаб олибди. Унинг афту ангорини кўриб энсам қотди ва таажжуб билан: «Эрингизнинг олдида шундай юрасизми?» деб сўрадим.

– Ҳа, нима бўпти, – деди дугонам бепарво, – ўз эрим-ку!

Ахир халқимизнинг: «Онангни отангга бепардоз кўрсатма» – деган мақоли бор. Хўш, биз нега «ўз эримиз»га ажи-бужи бўлиб кўринишимиз керак? Айрим аёлларимиз меҳмон кутганда ҳам либосига эътибор бермайдилар. Бечора эр ораста бўлиб келган меҳмонларга исқирт кийимда юрган хотинини солиштириб: «Ҳаҳ пешонам қурсин, менинг чекимга тушгани шу экан-да», – деб ўксинмасмикин?..»

Ҳа, ўзгаларнинг, ҳатто энг яқин кишиларингизнинг Сизга ширин муомала қилишларини истасангиз, кийимингизга ҳам эътибор беришингизга тўғри келади. Аммо бундан одам кийинишни биринчи даражали масала қилиб қўйиши, иложи борича қимматбаҳо, ялтур-юлтур кийимларни кийиши керак, деган хулоса келиб чиқмаслиги лозим.

Содда, бежирим ва тоза кийиниш фақат бошқаларга яхши кўриниш учунгина бўлиб қолмай, энг аввало, ҳар бир кишининг ўзи учун катта аҳамиятга эга. Чунки, одам қулай, ярашиқли кийим кийганида кайфияти яхшиланиб, руҳи кўтарилади, ҳатто одатдагидан сўзамолроқ ҳам бўлиб қолади. Шу ўринда раҳматли руҳшунос домламизнинг бир суҳбатда: «Нотиқнинг нутқи ҳам унинг кийимига қараб ўзгаради. Чунки кийим руҳиятга таъсир этади», деган гаплари ёдимга тушади. Бугун ўйлаб қарасам, ҳикмат кўп экан, бу гапда. Зеро, саҳнада Ҳусайн Бойқаро ролини ижро этаётган актёрни шоҳона либосларсиз, спортчини спорт кийимисиз, рақкосани рақс мазмунига мос кийимларсиз тасаввур эта олмаганимиз ҳолда, нотиқнинг кийими қандай бўлиши кераклигини хаёлимизга ҳам келтирмас эканмиз.

Яна такрор айтаман: кийим инсон нутқига, унинг бошқалар билан мулоқотга киришувига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам агар сиз яхши суҳбатдош, ҳақиқий нотиқ бўлишни истасангиз, ўз нутқингиздан ташқари ташқи кўринишингизга, жумладан, кийимингизга ҳам эътибор беришингиз лозим. Шунда сиз тўйига кийимини алмаштириб кириб келган Афандининг гапи қанчалар тўғри эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қиласиз ва шундай ҳолга тушганингизда беихтиёр: «Е, тўним, е» дея шивирлайсиз.

**Сиддиқ МЎМИНОВ, профессор.**

*Одобнома*

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ҳамда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Тошкент вилоят қўмитаси Паркент туманидаги Заркент ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Ўзбекистон Қаҳрамони

**Тожибой РИЗАЕВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Риҳсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.40

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

***«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.***

Тиражи: 16696 Буюртма Г— 517 23456